

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада XX аср бошларида Ўрта Осиё зиёлилари орасидан етишиб чиққан, инсонлар онгида тарихий маданиятимизга муҳаббат уйғотиш ҳаракатини бошлаб берган ва бу ҳаракатнинг асосий ташаббускорлари бўлган жадидлар ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, қорақалпоқ илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган, илк дарсликларни яратган, қатор насрий, шеърий ва драматик асарлар ёзган Сейфулғабит Мажитовнинг қорақалпоқ ёзуви ва имло қоидаларини шакллантиришдаги хизматлари таҳлил қилинди.

РЕЗЮМЕ. В статье говорится о жадидях, вышедших из среды интеллигенции Средней Азии в начале XX века, которые положили начало движению по пробуждению любви к нашей исторической культуре в сознании людей и которые были главными инициаторами этого движения. В то же время Сейфулғабит Мажитов, внесший значительный вклад в развитие каракалпакской науки, создавший первые учебники, написавший ряд прозаических, поэтических и драматических произведений, а его заслуги в формировании каракалпакской письменности и правил орфографии были отмечены и проанализированы.

SUMMARY. This article talks about Jadids, who emerged from among the intelligentsia in Central Asia at the beginning of the 20th century, who started the movement to awaken love for our historical culture in the minds of people, and who were the main initiators of this movement. At the same time, Seyfulgabit Majitov, who made a significant contribution to the development of Karakalpak science, created the first textbooks, wrote a number of prose, poetic and dramatic works, and his services in the formation of Karakalpak writing and spelling rules, were analyzed.

ДИЛОРОМ АБДУРАХМОН ШЕЪРИЯТИДА ОШИҚ ВА ИШҚ ТАЛҚИНИ

С.Жумаева – филология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: шеърият, шоир, лирика, мавзу, мисра, сўз, адабий анъана, издошлик, ҳамоҳанглик, тасвир, маъно, ифода, талқин, маҳорат.

Ключевые слова: поэзия, поэт, лирика, тема, строка, слово, художественная традиция, последовательность, ритмичность, выражение, описание, смысл, интерпретация, мастерство.

Key words: poetry, poet, lyric, subject, line, word, literary tradition, apprenticeship, harmony. image, meaning, expression, interpretation, skill.

Сўз бадийят воситасига айлангандан буён муҳаббат, ошиқ ва ишқ мавзуларида миллионлаб катта-кичик асарлар яратилиб келинмоқда. Бундай асарлар бири иккинчисини такрорламайди, янги, оригинал образлари, поэтик мазмуни ва ифода ўйсинининг таъсирчанлиги билан диққатни ўзига тортади. Шу боисдан ҳам бу мавзуда ёзилган асарлар ўзбек ва дунё адабиёти тарихидаги энг машҳур ва кенг тарқалган бадийят дурдоналари ҳисобланади. Бу каби асарларда асосан ошиқнинг ички кечинмалари тасвирига эътибор қаратилади. Уларнинг қаҳрамонлари ошиқ ва маъшуқа образлари ҳисобланади. Айниқса, шеъриятда маъшуқа образига бир қадар катта эътибор қаратилиб, унга хос бўлган хусусиятлар баёни ошиқнинг ўй-фикрлари, мушоҳадалари ва дил изҳорлари тарзида акс эттирилади. Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” дostonида ҳақиқий ошиқ ҳақида шундай ёзади: “Ҳақиқий ошиқ деб сен билки, у дард билан яшайди; унинг тили ҳам, дили ҳам, кўзи ҳам пок бўлади. Ишқ уни ўз “мен”идан пок қилиб, ҳатто фано ўтига хашак қилган бўлади, юзини сариқ қилиб, дардини яширади, кўзини ариқ қилиб ёш оқизади”[1:173]. Бундан кўринадики, ҳақиқий ошиқнинг аҳволи дил изҳоридан эмас, ҳолатидан билинади. Ошиқни асл мақсадга етказувчи эса ишқдир.

Шоирлар ўзининг ишққа мубталоллигини ва руҳий кечинмаларини сўзда шунчаки баён қилмайди, балки ҳолат тасвирида кўрсатади. Бугунги ўзбек шеъриятида ўзига хос дилтортар асарлари билан ўрин топиб келаётган Дилором Абдурахмон кизи “Беором куйлар” туркумига кирган шеърида шундай ёзади:

Азизим,
сен яна сўраб келдингму?
Хокисор чайқалур кўнгилнинг боғи.
Дарахтлар кафтида титраб бемажол,
Армонлар рангида ёнган япроғи.

Жоним,
келдингму сен, қарочўғимга,
Девона мажнундек куйилар осмон.
Ишқга тўёлмаган менинг руҳимга,
Тор келиб чекиниб бормоқда жаҳон [2:62].

Маълумки, ҳақиқий туйғу билан йўғрилган чинакам шеъриятнинг таъсир қуввати уммонга тенг бўлади. Шу маънода таъкидлаш жоизки, Дилором Абдурахмон шеъриятида кўп учрайдиган

мавзуларнинг аксарияти муҳаббат ҳақида. Ишқ ва ошиқлик оҳангида. Шоира ботинидаги оний ҳисларини, вужудини оловлатган сирли туйғуларини, юрагининг тепиниш ва талпинишларини шарҳлар экан, унда яширинган руҳият манзарасини шундай тасвирлайди:

Рух энтикар
шом аралаш шафаклар ичра.
Ҳислар сирли,
саслар сирли,
уйғониш сирли [2:48].

Дарҳақиқат, ошиқ учун маъшуқа висолига етиш – осон иш эмас. Бу йўлда у қанчадан-қанча синов жараёнидан ўтиши керак. Синов даврида эса ҳақиқий ошиқ руҳан тобланиб, маънан етуклаша боради. Чунки унда “Ҳислар сирли, саслар сирли, уйғониш сирли, шом аралаш шафаклар ичра Рух энтикар”. Келтирилган мисраларда ишқ-руҳ ва шафак сўзларига асосий эътибор қаратилган. Маълумки, мумтоз шеъриятда “ишқ ўти” бирикмаси кенг қўлланилади. Ишқнинг олови ошиқни ёндирди. Айни ўринда шоира ана шу анъанавий талқинни янгилайди. У ишқ ва ошиқлик мақомини юксак даражага кўтаради. Яъни, шом аралаш шафак тасвири кўёш ботиши олдида унинг қип-қизил тусга киришини тасвир объекти қилиб олади. Қизил тус эса қон рангига нисбат бўлиб, айна топилма ижодкорнинг ҳиссий тафаккури ва бадий маҳоратини кўрсатувчи муҳим жиҳатлардан бири саналади. Адабиётшунос Д.Қуროнов қайд этганидек, ижодкор “...нарсанинг моҳиятини очувчи бошқа нарсани кўрибгина қолмайди, уни ўзининг туйғу-фикрларини ифодалашга мувофиқ тарзда қайта яратади ва мана шу қайта яратиш жараёни ИЖОДдир. Руҳнинг алоҳида ва бетакрор ҳолати бўлмиш ижод онларида санъаткорга ўзи излаган моҳият аён бўлади, яъни билиш эҳтиёжи ҳам, ифодалаш эҳтиёжи ҳам ижод жараёнида қондирилади” [3:42]. Шоира тасвирича, руҳнинг сирли гирдобиди сирли уйғониш дардига мубтало бўлган ошиқ ишқ туфайли бардош мижмари ичидаги оловга айланади. Анъанавий талқинга кўра, олов ошиқни ёндирди. Ижодкор нуктаи назарича эса ошиқ ёндирувчи оловга айланади. Бунинг замирида чуқур ирфоний мантиқ мужассам эканлигини қайд этиш жоиз. Шоира таъкидича:

Самовий сирли боғ чайқалиб турар,
Кўнгилга малаклар сузиб келади.
Шомнинг оҳангларин тинглайман дилга,
Илоҳий оятлар сизиб келади. [2:48]

Аслида, руҳият иклимида туйғулар
силсиласининг ўзи бир сирли олам. У шундай
оламки, кишини мудом ўзи томон мисли
оҳанграбодек чорлайди. Бироқ, юрак – қалб улардан
хеч қачон безмайди. Шу аснода ошиқлик лирик
қахрамонни ўзига хос руҳий изтироблар гирдобига
ташлайди ва бу ҳолат натижасида пайдо бўлган
хижрон изтиробиди маъшуқа унга фақат салбий
аломатлар билангина намоён бўлади. Гўёки,
ошиқнинг тасаввурича, маъшуқанинг иши фақат
жабр кўрсатиш ва жафо қилишдан иборат. Бу
ҳолатни шоира шундай шарҳлайди:

Ой – кўҳна куй,
Дилимдай абгор,
Бамисли телба дарё,
Ёнгинамдан
ёримдай маҳзун,
Ўтиб борар йўллари айро.

Ой – кўҳна куй,
кўнглимдай ярим,
Ё хижроннинг узун ноласи,
Кипригимга тўкилиб қолган
Айрилиқнинг қадим жоласи. [2:48]

Маълумки, ўзгага интиқ одамнинг бутун вужуди
кулоққа айланади, ҳаёлида фақат унинг ёди кезади, қўли
қандай юмушда бўлмасин, кўз олдида кутгани бўлади.
Шеърдаги лирик қахрамон айна шу ҳолатда. Унинг
изтиробли ҳолати, айниқса, ҳар икки бешликнинг
олтинчи мисраларидаги ташбеҳларда яхши очилган.
Лирик қахрамон “мен” кўҳна куй – Ойга маҳзун боқади.
Ой эса “Дилимдай абгор, кўнглимдай ярим”. Ошиқнинг
ҳолати “Бамисли телба дарё, Ё узун ноласи”. Лирик
қахрамоннинг юзи Ой рангидек сарғайган, маҳзун
юзидаги тарам-тарамликдан эса қалб куяди. Чунки ишқ
йўллари айро. Бу хижронли ҳолат кейинги мисраларда
яна-да аниқлашиб, тиниқлашиб боради – айрилиқнинг
қадим жоласи машуқа кипригига кўз ёш бўлиб тўкилиб
қолган. Англашиладики, шоира қаламидан тўкилган
мисралар ўлчами оний бир ҳолат, бир лаҳзали
кайфиятни ифодалаган эса-да, бироқ унда акс этган ишқ
ва ошиқлик тўфонининг қудрати ниҳоятда улкан.
Шундан шоира:

Хижронларнинг бағрида армон,
Бир ишқ хайрон, кўзларим гирён,
Сирларимни сочиб кетмоқда. [2:52]

дея оҳ уради.

Таъкидлаш ўринлики, Дилором Абдурахмон
шеърлятидаги хижрон талқинида ишқ сувратининг
талай ранглари мужассамлашган. У бир шеърда
хижрон шарҳига шундай ургу беради:

Ишқ шахрининг овозасини,
Айроликнинг андозасини,
Кўринг хижрон дарвозасини,
Кўз-кўз қилиб, очиб кетмоқда. [2:52]

Қарангки, хижрон аталмиш армонли дунёда лирик
“мен” ички ҳисларини айроликнинг андозасига солиб
шарҳлайди. Шундан лирик қахрамон ҳамиша бедор ва
масъул. Бир сўз билан айтганда, кўнглида кечгувчи
изтироблар, армонлар, вулкандек отилган рангин
туйғулар уйғунлиги лирик қахрамон руҳониятининг
сийрату суратида айланган. Бу жиҳатларни эса шоира
қалбидидаги пўртаналарга ишоралардир, деган хулосага
олиб келади.

Дилором Абдурахмоннинг туркум шеърлари руҳан
бир-бирига жуда яқин. Асарларининг асосий
мотивлари – ишқ, ошиқ, армон, соғинч, хотира,
бедорлик. Улар кўнглининг нозик кечинмаларида
бирлашади. Унинг “Уйғондим, юракни ютиб

уйғондим” деб бошланадиган шеърда соғинч
туйғулари ўз ифодасини топган. Шеърда бу ҳолат
шу қадар самимийлик билан берилганки,
мисралардаги соғинч шарҳи шеърхон қалбига
бедорлик оламини туйишга ундайди. Айна
таассуротлар туйғулар тажаллисини чуқур ҳис ва
аниқ тасаввур қилгандагина рўй бериши мумкин.
Шоира бунинг уддасидан чиққан. У шундай ёзади:

Уйғондим, юракни ютиб

уйғондим,

Кўнглининг соғинчин тугиб

уйғондим.

Умиднинг йўлини кутиб уйғондим,

Сизни соғиндим.

Кўнглидай оқариб тонглар отганда,

Юракнинг рангида кунлар

ботганда,

Исмингиз такрорлаб тун

уйғотганда,

Сизни соғиндим. [4:26].

Шоиранинг ҳар бир мисраси фикр ва туйғу
уйғунлигига эга. Бу – ҳаммага ҳам насиб қилмайдиган
ҳодиса. “Хаёл манзаралари” шеърда соғинч талқини
ўзига хос ёрқин бир манзараларда сувратланади:

Оппок туман тарқалар.

Сув юзида уйғонар,

Мажнунтолнинг эртаги.

Кунларнинг ёруғида

Деразангга чизилган

Яхлар эрийди секин. [5:50]

Маълумки, табиат билан жонли олам бир-бирига
чамбарчас боғлиқ. Табиатнинг гўзал манзаралари
инсон қалбига кўчиб, унинг ботинида ажиб, нозик
туйғуларни юзага келтиради. Юқорида келтирилган
мисраларнинг лирик қахрамони табиатнинг сеҳрли
манзарасига ҳамоҳанг шундай туйғуни бошдан
кечирмоқда: оппок туманнинг тарқалиши – хижронли
кунлар адоғига ишора. Энди лирик “мен”нинг
изтироблари, айроликдан чеккан заҳматлари
“Мажнунтолнинг эртаги”га айланади. Кунлар,
демакки, диллар ёришади, қалб тубида қатланган
яхлар – музлар секин эрийди. Англашиладики,
“Табиатдаги ҳодисалар, улардаги манзаралар мисоли
кўзгудек лирик “мен”нинг ички кечинмаларини,
туйғуларини кўрсатиб туради.” [6:72] Демакки,
ботиндаги ҳамма нарсалар табиатга кўчади. Зеро, эзгу
юрак ҳамма нарсани қалб кўзи билан кўради ва идрок
этади. Шу боисдан ҳам ошиқнинг вужуди муздек
шабада экинини нозик ҳис қилиб, ундан ором олади,
фиқри тиниқлашади.

Шоира шеърлятида юртига бўлган меҳр ёрига
бўлган муҳаббат билан уйғунликда келади. Унинг
руҳни бир даражада тиниқлаштирадиган шеър
мундарижасида энг шахсий ва энг миллий туйғулар
қайноқ қалб ҳарорати билан содда ва самимий сатрларда
ифодаланганлигини кузатиш мумкин:

Шоҳи зинда –

Тилсимлар шахри

Минг бир тафаккуру

Минг бир ғоялар

Гоҳо ҳажр даштию

Гоҳо соялар

[2:50]

кўним топган ота маскани – кўҳна Самарқанд
обидалари, келинлик салони билан “палоҳмон тош”
кўнган ёр қошонаси “Бир баҳорий насим бўлсам
Сурхонимга” – бир бутунликда Ватандир. Аёлларга хос
нафислик, маънавий кўркемлик билан тўйинган
ҳисларини сўзга сизиб шундай ёзади:

Ватан ранги сингиб борар қароғимга,

Тоғу-тошдан жавоб топдим сўроғимга.

Дилимдаги армонларим бут бўлмай-му,

Бир баҳорий насим бўлсам Сурхонимга. [5:52]

Мисрадан мисрага ўтгани сайин шеър замиридаги моҳият бўй кўрсата бошлайди. Сўнгги тўртликдаги мисралар талқинида ўзбек кизининг ота уйидан оқ фотиҳа олиб, тақдир битиги – “ўзга юртни ўз юрти деб” билган солиҳа, дилбар келиннинг қалб кечинмалари гўзал тасвирларда, рангин жилолари билан тараннум этилади:

Дилимдаги дилга яқин наволарим,
Ривоятлар сўзлаб берар момоларим,
Кўксимдаги кенгликларим, самоларим,
Бир баҳорий насим бўлсам Сурхонимга [5:52].

Бу ҳолатни, таъбир жоиз бўлса, лирик қаҳрамон қалбиди кечган пўртаналар сифатида ҳам изоҳлаш мумкин.

“Ватан” номли шеърида тасвирланишича, афсонавий ишқдек кўклам баҳорининг тароватидан қуёшнинг боши айланади, булутларнинг кўзи тинади, қайтган турналар масканини кўриб, хурсандчилигидан дили ёришади. Шундан шоира завқ-шавққа тўлиб:

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. “Хайрат ул-аброр”. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
2. Дилором Абдурахмон кизи. “Беором қуйлар”. -Т.: “Янги китоб”. 2022.
3. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: “Академнашр”, 2018.
4. Дилором Муродова. “Кўнгил шафақлари”. -Т.: “Ўқитувчи”. 2001.
5. Дилором Абдурахмон. “Таҳаюл тонги”. -Т.: “Фан”. 2006.
6. Ҳаққулов И. Шеърят - руҳий муносабат. - Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1990.
7. Муродова Д. Кўнгил шафақлари. -Т.: “Ўқитувчи”. 2001.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада ўзбек шеърятига янги ифода йўллари, янгича поэтик тафаккур, ҳеч бир қутилмаган ташбеҳлар билан кириб келган Дилором Абдурахмон шеърятининг поэтик оламига саёҳат қилинади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье осуществлено путешествие в поэтический мир поэзии Дилором Абдурахмона, который вступила в узбекскую поэзию новыми способами выражения, новыми поэтическими мышлениями, неожиданными сравнениями.

SUMMARY. The article discusses about the poetic world of Faxriyor's poetry, which has entered Uzbek poetry with new ways of expression, new poetic thinking, no unexpected metaphors.

M.TAWMURATOV GÚRRINLERINIŇ IDEYALÍQ-TEMATIKALÍQ ÓZGESHELİKLERI

D.Kamalova – *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori*
Özbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali

Tayanch soʻzlar: nasr, hikoya, gʻoya, tematika, kompozitsiya, sujet, janr.

Ключевые слова: проза, рассказ, идея, тематика, композиция, сюжет, жанр.

Key words: prose, story, idea, theme, composition, plot, genre.

Kórkem shıǵarmada jazıwshı jámiyetlik turmıstaǵı, adam táǵdirindeǵı qanday da bir máselelerdi, problemalardı kóterip shıǵadı. Usı problemalardı qozǵaw arqalı óziniń aytajaq oy-pikirin, yaǵniy ideyasın jarıqqa alıp shıǵadı. Sonday-aq, jazıwshı kórkem shıǵarmanı dóretiwdiń barısında belgili bir kózqaraslardı, principlerdi basshılıqqa aladı. Olardı ózi jaratqan obrazlarǵa sińiredi, yaǵniy, jazıwshı jaratqan kórkem obrazında shıǵarmanıń tema hám ideyası óz sáwleleniwın tabadı. Demek, kórkem shıǵarmanıń mazmunı tema, ideya hám problemadan turadı. “Tema - kórkem shıǵarmanıń sáwlelendiretuǵın materiyalı, syujetlik materiyyalar, problema - bul jańa kóterilgen áhmiyetli turmıslıq, jámiyetlik tábiyiy sonday-aq, jekke adam táǵdirine baylanıslı máseleler. Ideya - usı shıǵarma arqalı avtordıń ózi súwretlep atırǵan waqıyalarǵa onıń bergin bahaları” [1:9].

Jazıwshı shıǵarma ushın tema tańlawda, onıń sáwleleniwiniń barlıq táreplerin tolıq kóz aldına keltire almaydı, bálkim temanıń ulıwmalıq shegaraların, obrazlı qılıp aytqanda temanıń “tilsiz karta”sın kóredi. Tema shıǵarmanıń pútkil mazmunın emes, tek ǵana sol mazmundı anıqlawǵa hám kórkem talqılawǵa shaqırıwshı belgi [3:172-173].

Hár qanday kórkem shıǵarmada tema, ideya hám problema úziksiz bir-birine baylanıslı. Usı birlikler saqlanǵan jaǵdayda ǵana kórkem shıǵarmanıń ideyalıq-tematikalıq jaqtan jetiskenligi kózge taslanadı.

Turmıstaǵı aktual máselelerdi, júz bergin jańa qubılıslardı waqtında súwretlep barıw, zaman talabına say temanı tańlaw qaraqalpaq gúrrinleriniń tiykarǵı ózegin bel-

sewdim, suydım, kúzga surdım tıproklarınıǵı, Panoximsan, qanotimsan Ўзбекистоним [7:6].

– дея, дил изхорини баён қилар экан, Ватанга бўлган ошуфталигини асосий марказга олиб чиқиб, ўз поэтик нятиини реал борлиқнинг инъикоси бўлган фикрлар ва ҳис-туйғулар орқали ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, Дилором Абдурахмон кизининг туйғулар уммонига кўмилган, нозик бадиий ташбеҳлар камровидаги эхтиросли шеърятда муҳаббат, ошиқ ва ишқ талқинлари бўртиб туради. Бу асарлар бири иккинчисини такрорламайди. Улар кўнглининг нозик кечинмаларида бир бутунликда бирлашади. Унинг руҳият талқинига бағишланган ижод намуналарида аёлларга хос нафислик, маънавий кўркамлик, олижаноб соддалик ва самимият уфуриб туради. Шоира энг шахсий ва энг миллий туйғуларини ҳам қайноқ қалб ҳарорати билан содда ва самимий сатрларда ифода этади.

gileydi. Jazıwshılarımızdın házirgi kúngi jetiskenligi de sonda, olar kúndelikli turmıstaǵı aktual máselelerdi waqtında kóterip shıǵıp, waqt hám zaman talabına juwap beriwge háreket etip atır.

Házirgi kúnniń aktual máselelerin kóterip shıǵıw Marat Tawmuratov gúrrinleriniń tiykarǵı ideyalıq-tematikalıq baǵdarın quraydı.

Marat Tawmuratov ádebiyatımızda gúrrin janrınıń hár tárepleme rawajlanıwına óziniń salmaqılı úlesin qosıp ki-yatırǵan jazıwshılardıń biri. Onıń keń jámiyetshilikke bel-gili “Erteń shıǵarmız tawǵa...” (1991), “Aq túnniń kó-leńkesi” (1994), “Qısqa roman” (2004) atlı toplamlarında gúrrin janrındaǵı dóretpeleri berilgen. Sonıń menen birge onıń “Sáwirdin aq jamǵırı” (1996) atlı gúrrinler toplamı tikkeley kishi hám orta jastaǵı mektep balaları ushın ar-nalǵan. Sonday-aq, avtordıń bir qatar gúrrinleri gazeta-jurnal betlerinde járiyalanǵan. Avtordıń gúrrinleri ideyalıq-tematikalıq jaqtan bir qansha ózgesheliklerge iye ekenligin kóriwimizge boladı. Onda, tiykarınan, adamlar arasındaǵı joqarǵı insaniylyq páziyetler: mehir-muhabbat, miyrimlilik, ar-namıs, ádeplilik, keńpeyillik, tereń adamgershilik siyaqlı máseleler ortaǵa taslanǵan. Ásirese, bir-birewge bolǵan isenim, sadıqlıq, pák muhabbat sezimleri hám hújdan máselesi jazıwshı tárepinen haqıyqıy turmıstan alınıp, tereń mazmunda súwretlep berilgen.

M.Tawmuratovtın “Ajapa”, “Tún jarpındaǵı jılawjın”, “Bizdi keshir, Gúlnaz...” gúrrinlerinde insanlar arasındaǵı óz ara húrmet, tuwısqanlıq máseleleri, al “Jawınlar máwsimi”, “Hújdan húkimi” gúrrinlerinde adamgershilik máselesi bolǵan hújdan teması sóz etiledi.